

УДК: 334.722(575.1)

DOI: 10.56937/.v7i9a1

**Муродова Нодира Куллиевна**

**Навоий давлат педагогика институти профессори иқтисодиёт фанлари  
доктори**

E-mail: [navigospi@:nbox.ru](mailto:navigospi@:nbox.ru)

## **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: РИВОЖЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати, ривожлантиришнинг илмий асослари, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти, тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш услубиёти ва ривожланиш динамикасининг фаолият таҳлили баён этилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, кичик корхона, бизнес, бизнесмен, иқтисодиёт тармоқлари, ялпи маҳсулот, тадбиркорлик субъектлари, янги иш ўринлари, тадбиркорлик салоҳияти, экспорт динамикаси.

### **Кириш**

Жаҳон амалиётида дунё мамлакатларида ижтимоий - иқтисодий муаммоларни ҳал этишда кичик бизнес фаолияти муҳим роль ўйнайди. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоботига кўра, “Бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63,0 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг номолиявий корхоналардаги умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этган ҳолда, ишчи кучини учдан икки қисмини иш билан таъминламоқда” [6].

«Бизнинг бу борадаги вазифамиз –тўпланган тажриба ва илгор халқаро амалиётга суюнган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур...» [1].

Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Бозор шароитида миллий иқтисодиёт барқарор суръатда ривожланишини таъминлаш ва корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмининг барча элементлари иштироки муҳим аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмидан самарали фойдаланиш тадбиркорлик фаолиятига ички ҳаракатлантирувчи куч сифатида таъсири этади ва унинг таркибий қисмига айланиб кетади. Иқтисодий механизм солик, давлат харидлари, бож тарифи, лицензия, субсидия, кредит, баҳо назорати, инвестиция ва экспорт каби дастаклардан иборат яхлит тизимдир [5].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодчи олимлар ва мутахасисларнинг назарияларида бир - бирига ўхшамайдиган ва ҳатто бир - бирини инкор этадиган қарашларнинг мавжудлиги тадбиркорликнинг ривожланиш босқичи билан характерланади. Ривожланиш эволюцияси давомида «тадбиркор» ва «бизнесмен», «кичик тадбиркорлик», «кичик бизнес» ва шунга мувоғиқ «кичик ва йирик» корхоналар талқин этила бошланди.

Америкалик иқтисодчи олим Н. Сирополис фикрича, «Кичик бизнес корхоналари ишчилар сони, маҳсулот сотиш ҳажми мезонлари асосида аниқланади» - деб баҳолайди. Россиялик иқтисодчи олим М. Лапустанинг фикрига кўра

ҳам «тадбиркорлик кичик бизнес субъектларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, биринчи навбатда унда ишчиларнинг ўртacha сони ҳисобланади».

С. Брю ва К. Макконелл тадбиркорни «ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи, катализатор вазифасини бажарувчи, бизнес юритишида қарорлар қабул қилувчи, янги технологияларни жорий этувчи, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилувчи, ризк қилишга мойил шахс» сифатида изоҳлайдилар.

Тадқиқотчилар фикрича, «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчалари бир - бирига ўхшаш маънони англатади, шу боисдан улар моҳиятан бир-биридан фарқ қилмайди, дея таъкидлайдилар[8].

Айрим иқтисодий адабиётларда эса, «бизнес» тушунчаси «тадбиркорлик» тушунчасидан фарқланади. Унда «бизнес» тушунчаси даромад келтирувчи фаолият сифатида таърифланса «тадбиркорлик» маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосида даромад олишга қаратилган фаолият деб таърифланади.

Кичик бизнес тўғрисида иқтисодчи олим Б.Ходиев «кичик корхоналар хўжалик юритувчи субъектнинг янги шаклидан иборат эмас. У бошқа корхоналардан фақат кичикроқ кўламлари билан фарқланади, холос» - дея таъкидлайди. Фикримизча, бундай қараш кичик ва йирик корхоналар ўртасида кооперацион ҳамкорликни ривожлантиришга асос солади [7].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (бундан кейин КБХТ) фаолиятининг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятини А. Вахабов қуйидагicha изоҳлайди: «ушбу соҳада иш ўринларининг яратилишига сарфланаётган сармояларнинг бошқа соҳага нисбатан арzonлиги ва қулайлигидир. Бунда бир ишчи ўрнини яратишга ўртacha минг доллар атрофида харажат қилинса, иқтисодиётнинг юқори технологиясига асосланган машинасозлик соҳаларида у 120-140 минг доллар ҳажмида қайд этилмоқда» [4]. Демак, янги иш ўринларини яратишнинг асосий йўналишларини касаначилик, шахсий чорвачилик, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг қулайлик жиҳатлари мавжуддир.

Таъкидлаш жоизки, Ғарбий Европа адабиётларида инглиз транскрипциясидаги «Small business» атамасидан тобора кенг фойдаланилмоқда.<sup>1</sup> Тадбиркор ва бизнесмен каби тушунчалар уларнинг иқтисодий фаолият соҳалари кўрилаётганда бир хил маънони англатади деб ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, “Бизнесни вужудга келишининг иқтисодий сабабларини аниқлаш мақсадида, биз генетик ёндашувда «Капитал ҳаётийлик даври»ни марксча иқтисодий таълимотидан кейинги босқичдаги эволюциясини кузатиб уни янгича, «товар–пул–капитал–бизнес» жараёнидан таркиб топган маҳсулотнинг товарга, товарнинг пулга, пулнинг капиталга ва капиталнинг бизнесга айланиш жараёнини тавсифлайдиган «Бизнес генетик даври» сифатида кўриб чиқиш ва унда капиталнинг бизнесга айланиши натижасида шаклланган тўртинчи: «Бизнес фаолияти» босқичини ажратишни, ўринли деб топдик. Бунда “бизнес” ўзига хос фаолият сифатида тўртта қўйидаги кетма-кетликда: 1) товар муомаласи; 2) пул муомаласи; 3) капитал ҳаракати ва 4) бизнес фаолияти босқичларидан таркиб топади”<sup>2</sup>, - дея баҳоланади.

## Тадқиқот методологияси

<sup>1</sup> Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика.М.: Тезис.2000.с.29.

<sup>2</sup> Навруз-зода Л.Б Инсон тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. иқт. Фан бўйича ф. Док. (PhD)даражা олиш учун тайёр дисс.2022 йил.

Тадбиркорлик категориясига илмий қараашларнинг монографик таҳлили, тўпланган рақамли маълумотлар асосида тизимли таҳлил, мантиқий таҳлили, қиёсий усувлардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар


2020 йилда Ўзбекистонда 28 289 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 9938 таси КБХТ субъектлари ҳиссасига тўғрикелди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес вахусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши киши[10]

| Кўрсаткичлар номи  | 2010 йил | 2015 йил | 2020 йил |
|--|----------|----------|----------|
| Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, бирликда                           | 15 164   | 24 389   | 28 289   |
| шу жумладан:   |          |          |          |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, бирликда                       | 8 643    | 10 170   | 9 938    |
| Фоиз ҳисобида  | 57,0     | 41,7     | 35,0     |
| Жами иқтисодиётдаги бандбўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида | 72,7     | 74,2     | 74,3     |

КБХТ соҳасига давлат томонидан каттаэътибор берилиши ҳамда қўллаб-куватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 60,8 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушкига тўғри келган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 66,8 фоизни, 2019 йилда 56 фоизни, 2020 йилда эса 55,7 фоизни ташкил этди. Натижаларнинг пасайишига мамлакатда пандемиянинг таъсири юқори бўлиб, асоссан хизмат кўрсатиши соҳасидаги кичик корхоналар фаолияти тухтаб қолиши сабаб бўлди (1-расм).



**1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ичкимаҳсулотдаги улуши, фоиз ҳисобида.[10]**

КБХТнинг 2020 йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичларини худудлар кесимида қарайдиган бўлсак, ЯҲМдагиэнг кўп улуш Жиззах (82,7%), Сурхондарё (77,1%),

Хоразм (75,3 %), Бухоро (74,7 %) ва Наманган (73,7 %) вилоятларига тўғри келади. Жами саноат маҳсулотида КБХТнинг улуши 27,8 %ни ташкил қилади. Бу кўрсаткични ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, Жиззах вилоятида жами саноат маҳсулотининг 64,2 %и, Наманган вилоятида 50,0 %и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди (2-жадвал) [12].

2020 йилда мамлакат бўйича жами экспорт ҳажмида КБХТ субъектларининг улуши 20,5 фоизни ташкил қилган. Жами экспортда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушини ҳудудлар кесимида қараганда, энг катта улуш Тошкент шаҳри (51,7 %), Тошкент (40,9%), Фарғона (35,4%), Андижон (32,7%) ва Наманган (25,8%) вилоятларига, энг паст улуш эса Қарақалпоғистон Республикаси (6,5%), Қашқадарё (8,3%), Жиззах (8,4%) ва Навоий (8,7%) вилоятларига тўғри келган.

## 2-жадвал

### ***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2020 йилда худудлар бўйича асосий кўрсаткичлари [10]***

| Республика ва вилоятлар        | Фаолият юритаётган КБХТ субъектлари |               | ЯҲМдаги улуши, фоизда | Саноатда ги улуши, фоизда | Хизматлардаги улуши, фоизда | Экспорт даги улуши, фоизда |
|--------------------------------|-------------------------------------|---------------|-----------------------|---------------------------|-----------------------------|----------------------------|
|                                | сони, бирлик да                     | улуши, фоизда |                       |                           |                             |                            |
| Қарақалпоғистон Рес-си         | 18288                               | 4,4           | 56,2                  | 23,9                      | 3,0                         | 6,5                        |
| Андижон                        | 31683                               | 7,7           | 68,9                  | 20,0                      | 6,7                         | 32,7                       |
| Бухоро                         | 24809                               | 6,0           | 74,7                  | 34,8                      | 5,8                         | 10                         |
| Жиззах                         | 17725                               | 4,3           | 82,7                  | 64,2                      | 2,7                         | 8,4                        |
| Қашқадарё                      | 25297                               | 6,2           | 69,9                  | 34,7                      | 6,3                         | 8,3                        |
| Навоий                         | 17931                               | 4,4           | 25,5                  | 6,6                       | 3,0                         | 8,7                        |
| Наманган                       | 26531                               | 6,4           | 73,7                  | 50,0                      | 5,2                         | 25,8                       |
| Самарқанд                      | 33114                               | 8,1           | 73,9                  | 45,5                      | 8,8                         | 21,5                       |
| Сурхондарё                     | 21563                               | 5,2           | 77,1                  | 47,3                      | 4,7                         | 15,7                       |
| Сирдарё                        | 13360                               | 3,2           | 69,2                  | 37,3                      | 1,6                         | 10,7                       |
| Тошкент в.                     | 40223                               | 9,8           | 48,3                  | 20,8                      | 10,3                        | 40,9                       |
| Фарғона                        | 36117                               | 8,8           | 67,9                  | 45,9                      | 8,3                         | 35,4                       |
| Хоразм                         | 18875                               | 4,6           | 75,3                  | 29,5                      | 3,6                         | 11                         |
| Тошкент ш.                     | 85687                               | 20,8          | 45,8                  | 38,7                      | 30,0                        | 51,7                       |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>411203</b>                       | <b>100</b>    | <b>55,7</b>           | <b>27,8</b>               | <b>51,5</b>                 | <b>20,5</b>                |

2020 йилда КБХТ субъектларитомонидан 112743,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Мамлакат бўйича жами хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 51,5 %ни ташкил қилган. Жами хизматларда КБХТ субъектларининг улушини ҳудудлар кесимида қараганда, энг кўп улуш Тошкент шаҳри (30,0 %), Тошкент (10,3%), Самарқанд (8,8%), Андижон (6,7 %) ва Қашқадарё (6,3%) вилоятларига, энг паст улуш эса Сирдарё (1,6 %), Навоий (3%), Хоразм (3,6 %) вилоятларига ва Қарақалпоғистон Республикасига (3,0 %) тўғри

келган.

КБХТ фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, мазкур соҳанингсаноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2015 йилдаги 10,0 фоиздан 2020 йилда 27,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 95,7 фоиздан 97,0 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 82,2 фоизга, юк ташишда 24,6 фоиздан 40,0 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24 фоиздан 49,7 фоизга, экспортда эса 6 фоиздан 20,5 фоизга қадар ошиди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2015-2020 йиллардаги ўсиши динамикаси [10]*


| Кўрсаткич<br>ларноми            | 2015<br>йил | 2016<br>йил | 2017<br>йил | 2018<br>йил | 2019<br>йил | 2020<br>йил | 2020 й.<br>2015<br>й.га<br>ўсиши,<br>% |
|---------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--|
| Саноат,<br>млрд сўм             | 39 643,5    | 50 654,5    | 61 367,8    | 87 962,0    | 83 344,2    | 103 020,8   | 260                                    |
| Қишлоқ<br>хўжалиги,<br>млрд сўм | 101 197,5   | 118 011,4   | 152 010,5   | 191 759,2   | 219 466,9   | 252 485,7   | 249                                    |
| Инвестиция,<br>млрд сўм         | 18 072,1    | 20 944,2    | 27 515,0    | 47 225,2    | 86 886,8    | 96 629,2    | 535                                    |
| Савдо,<br>млрд сўм              | 61 972,3    | 78 935,6    | 92 973,0    | 114 896,4   | 138 920,7   | 164 106,1   | 265                                    |
| Ҳизматлар,<br>млрд сўм          | 47 269,6    | 61 346,2    | 69 212,7    | 84 433,4    | 103 106,5   | 112 743,5   | 239                                    |
| Юк ташиш,<br>млн тонна км       | 9 225,0     | 10 072,4    | 10 444,4    | 11 657,7    | 12 152,3    | 12 304,6    | 133                                    |
| Йўловчи<br>ташиш,<br>минг киши  | 4 486,3     | 4 866,5     | 5 037,5     | 5 242,6     | 5 345,0     | 4 904,8     | 109                                    |
| Экспорт, млн<br>АҚШ доллари     | 3 377,5     | 3 139,1     | 2 759,3     | 3 810,8     | 4 714,8     | 3 100,9     | 92                                     |
| Импорт, млн<br>АҚШ доллари      | 5523,1      | 5676,8      | 7511,9      | 10916,2     | 14972,2     | 10943,3     | 198                                    |

Мамлакатимизда КБХТнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рафбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2020 йилда қўшилган қиймат солиги ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши 100 минг тадбиркор ихтиёрида 10 триллион сўм маблағ қолиши имконини берди. 2023 йилдан бошлаб, ушбу солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга тушириш мўлжалланмоқда. 2023 йилдан мол-мулк ва ер солиқлари бирлаштирилиб, ягона кўчмас мулк солиги жорий қилиниши белгиланди.

Сўнгги йилларда КБХТни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тадбирлари ҳам кучайтирилди. Хусусан, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни ривожлантириш учун 5622,80 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 82579,50 млрд. сўмни ташкил этди (2-расм).

2-расмдаги маълумотлардан кўринадики, КБХТ соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори 2012-2021 йиллар мобайнида деярли 15 марта га ўсган. 2021 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 баробарга кўпайган.



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлаши учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд.сўм.**

Ҳозирги вақтда КБХТни кредит билан таъминлаш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган: халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш; тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек ахоли зич яшовчи худудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш; истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун ахолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

КБХТнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги улуши 2010 йилда 13,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда йилда 27,2 фоизни ташкил этди. Пандемия туфайли ушбу кўрсаткич 2020 йилда 20,5 фоизни ёки 4634,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди (4-жадвал).

КБХТ субъектлари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг катта қисми чуқур қайта ишланмаган ва юқори қўшимча қийматга эга бўлмаган хомашёлар ҳисобланади. Бундай вазият мамлакатда экспортга юқори технологияли маҳсулотларни сотишни йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишини талаб этади.

Давлат ушбу соҳага ривожланишнинг давлат аҳамияти даражасида устуворлик бермоқда ва қўллаб - қувватламоқда. Мақсад аниқ, корхоналарнинг сони эмас, балки сифати зарур. Мазкур соҳа бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик меҳнат

бозори, мулқорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади.

#### 4-жадвал

#### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот турлари бўйича экспорт динамикаси (млн. АҚШ доллари ҳисобида) [9]**

| Маҳсулот турлари            | Йиллар        |               |               |               |               |               | Ўсиш сурати, %да |                     |
|-----------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|------------------|---------------------|
|                             | 2015 йил      | 2016 йил      | 2017 йил      | 2018 йил      | 2019 йил      | 2020 йил      | 2019 йилга %     | 2015 йилга нисбатан |
| Тикув-трикотаж маҳсулотлари | 846,9         | 901,0         | 1090,5        | 1268,6        | 1596,7        | 1868,5        | 117,0            | 220,6               |
| Минерал ўғитлар             | 116,7         | 124,2         | 155,1         | 128,2         | 134,5         | 136,0         | 101,1            | 116,5               |
| Чарм пойабзал маҳсулотлари  | 121,4         | 129,1         | 136,0         | 166,2         | 195,7         | 223,9         | 114,4            | 184,4               |
| Ипак ва ипак маҳсулотлари   | 19,7          | 21,0          | 30,9          | 49,9          | 71,8          | 49,9          | 69,5             | 253,0               |
| Дон ва ун маҳсулотлари      | 5,2           | 5,5           | 46,4          | 70,1          | 104,6         | 218,6         | 209,0            | 4211,6              |
| Курилиш материаллари        | 146,2         | 155,5         | 185,0         | 195,0         | 210,0         | 225,0         | 107,1            | 153,9               |
| Бошқа саноат маҳсулотлари   | 503,0         | 535,1         | 568,6         | 473,6         | 636,5         | 650,6         | 102,2            | 129,3               |
| Мева-сабзавот               | 564,9         | 564,9         | 655,5         | 892,7         | 1249,8        | 1080,4        | 86,4             | 191,3               |
| Пахта толаси                | 599,0         | 637,3         | 477,1         | 222,1         | 281,6         | 146,9         | 52,1             | 24,5                |
| Хизматлар                   | 7,9           | 8,5           | 9,5           | 13,1          | 23,2          | 34,7          | 149,7            | 436,9               |
| <b>Жами:</b>                | <b>2931,0</b> | <b>3082,0</b> | <b>3354,6</b> | <b>3479,6</b> | <b>4504,5</b> | <b>4634,5</b> | <b>102,9</b>     | <b>158,1</b>        |

Шу боис ҳам, мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналиши бўлган КБХТда асосий эътибор корхоналарнинг қанча товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятларига эмас, балки иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини максимал даражада инобатга олиш ва улар эҳтиёжларини қондириш қобилиятига ва эҳтиёжларни қондириш қобилияти қанчалик ресурсларни талаб этишига қаратилмоғи зарур. Масалага бундай ёндашиш ҳудудларда КБХТнинг салоҳиятини аниқлаш ва шунга мувоғиқ мавжуд имкониятлардан (потенциал) фойдаланиш ҳолатини ва фойдаланилмаган имкониятларни аниқлашга асос бўлади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»<sup>1</sup> [лот.potential-салоҳият] сўзининг маъноси икки хил мазмун касб этиши эътироф этилган.

1. Бирор - бир жиҳатдан имкониятлар, куч - қудрат даражаси, фойдаланиш мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи. 2.Фойдаланиш мумкин бўлган, аммо рўёбга чиқмаган имкониятлар. Салоҳиятлар назариясини тадқиқ этишга бағишлиланган

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2007.-301, 432-б

ишларда «салоҳият» категорияси иштирок этган кенг маънодаги сўз бирикмалари келтирилган: ижтимоий ривожланиш салоҳияти, иқтисодий салоҳият, илмий - техник салоҳият, мудофаа салоҳияти, интеллектуал салоҳият, табиий - ресурс салоҳияти, кадрлар салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, инфратузилма салоҳияти, ахборот салоҳияти, қурилиш салоҳияти, қишлоқ хўжалик салоҳияти, ташкилий салоҳият, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари салоҳияти ва бошқа йўналишдаги салоҳият.

Бу атама мамлакат, ҳудуд қудратига баҳо беришда аниқлик киритади. Шу нуқтаи назардан КБХТни ривожлантириш ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ва тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ эътиборга олган ҳолда ривожланиш йўналишларини илмий жиҳатдан асослашнинг заруриятини келтириб чиқаради. Мамлакатда тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлар тизимида уни табиий ресурслардан, меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш қуввати, илмий - техника салоҳиятидан ва тўпланган миллий бойлиқдан қай даражада фойдалана олишлиги унинг тадбиркорлик потенциалини белгилайди. Шунинг учун мамлакат ҳудудларида тадбиркорлик натижалари бир - биридан фарқланади. Бундай фарқланишни салоҳиятнинг асоси бўлган уч таркибий қисмдан қанчалик фойдалана олганлиги даражаси билан изоҳлаш мумкин:

- фойдаланилган салоҳият, яъни, тадбиркорлик мухити имкониятларининг маълум бир вақтда фойдаланилаётган қисми;
- молиявий салоҳият, яъни ишбилармонлик мухитининг оптималь фаолияти шароитларидаги молиявий ресурсларнинг барча мумкин бўлган йўналишларини ўз ичига оловчи маълум мақсадларга эришиш учун ишлатилиши мумкин бўлган воситалар ва имкониятлар мажмуи;
- фойдаланилмаган салоҳият, яъни маълум вақтда фойдаланилмаётган, бироқ, фойдаланиш мумкин бўлган, рўёбга чиқмаган имкониятдир.

Минтақаларнинг тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш учун мамлакат КБХТнинг истиқболли йўналишлари ва стратегияси ишлаб чиқилиши, уни қўллаб - қувватлашнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилига асосланишда тадбиркорлик салоҳиятини услубий жиҳатдан таҳлил этиш асосида иккита усуlda ҳисоблаш таклифи ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ҳудудларни «Парето - афзаллик тўплами» бўйича гурӯҳлаш орқали ўрганилаётган ҳар бир ҳудуддаги тадбиркорлик салоҳиятнинг интеграл даражаси (коэффициенти) қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$\{E_p\} = \{E_{ab}\} + \{E_{pb}\} + \{E_{ac}\}. \quad (1.2.1)$$

Бунда,

$\{E_{ab}\}$  – тадбиркорлик салоҳияти (*enterprise potential*) кўрсаткичлари тўплами;  $\{E_{ab}\}$  - тадбиркорлик қобилияти (*enterprise ability*) кўрсаткичлари тўплами;  $\{E_{pb}\}$  - тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкони (*enterprise potential*) кўрсаткичлари тўплами;  $\{E_{ac}\}$  – тадбиркорлик фаоллиги (*enterprise potential*) кўрсаткичлари тўплами.

Тадбиркорлик салоҳиятнинг интеграл даражасини ҳисоблашда ҳар бир тўплам таркибига КБХТ соҳасини тавсифловчи энг муҳим нисбий омил кўрсаткичлар киритилди. Жумладан:

$$\{E_{ab}\} = \{f_1, f_2, f_3\} \quad (1.2.2)$$

бу ерда:  $f_1$  – аҳоли жон бошига тўғри келадиган КБХТ субъектлари сони;  $f_2$  - корхоналар сонидаги КБХТ субъектлари улуши;  $f_3$  – КБХТда банд бўлганлар улуши:

$$\{E_{pb}\} = \{f_4, f_5\}, \quad (1.2.3)$$

бу ерда:  $f_4$  – КБХТнинг ҳар бир ходимига тўғри келадиган капитал айланмаси;  $f_5$  – ҳар бир КБХТ фаолиятига киритилган инвестиция ҳажми:

$$\{E_{ac}\} = \{f_6, f_7\}, \quad (1.2.4)$$

бу ерда:  $f_6$  – ҳар бир КБХТ субъектининг экспортдаги улуши;  $f_6$  – КБХТнинг янги ташкил этилганлик даражаси.

Шунда ўрганилаётган ҳар бир худуддаги тадбиркорлик салоҳиятининг интеграл дражаси (коэффициенти) қуидаги ифода орқали хисобланади:

$$E_{pr} = U (f_{ir} / f_{io}) / n. \quad (1.2.5)$$

Бу ерда:  $r$  - худуд индекси,  $i$  – омил-кўрсаткич номери,  $f_{ir}$  -  $i$  омил кўрсаткичнинг  $r$  худуддаги даражаси, %;  $f_{io}$  -  $i$  омил кўрсаткичнинг мамлакат миқёсидаги даражаси ( $f_{io} = 100 \%$ ),  $n$  - омил кўрсаткичлар сони.

Иккинчидан, динамик усулда иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатувчи айrim кичик корхоналарнинг тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

Тадбиркорлик салоҳиятини динамик усулда аниқлашда фақат битта корхона кўрсаткичларининг натижавий ҳолатини олдинги давр билан солишириб,  $n$  коэффициентни хисоблашимиз мумкин бўлади, яъни:

$$n = 2^{-\frac{k_{t-1}}{k_t}} \quad (1.2.6)$$

Бунда  $k_t$  –  $t$  кўрсаткичининг жорий йилдаги қиймати;

$k_{t-1}$  –  $t-1$  кўрсаткичининг олдинги йилдаги қиймати.

Агар  $k$  кўрсаткич пулда ифодаланувчи кўрсаткич бўлса, инфляция даражаси бўйича хисоблашга қуидагича тузатиш киритамиз:

$$n = 2^{-\frac{k_{t-1}}{k_t} \cdot (1 + \alpha_t)} \quad (1.2.7)$$

бунда  $\alpha_t$  – расмий инфляция даражаси.

Тадқиқот жараёнида ушбу услубиёт орқали худудлардаги кичик саноат корхоналарида аниқланган натижалар айrim кичик корхоналарда тадбиркорлик салоҳияти паст даражада эканлигини кўрсатмоқда. Кичик корхоналарнинг тадбиркорлик салоҳиятини шаклланишида молиявий-иктисодий кўрсаткичлар ҳиссаси ва ундан сўнг ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичлар туриши аниқланди. Бундан кўринадики, молиявий ресурсларни тежаш муаммосини ҳал этиш лозимлиги, малакали ходимлар ва илмий - техник гурухлари кўрсаткичларини ошириб, шу орқали тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва барқарор инновацион иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин бўлади.

Худудларда тадбиркорлик фаолияти рейтингини қуидаги тадбиркорлик салоҳияти кўрсаткичлари тизими орқали баҳолашимиз мумкин бўлади:

биринчидан, тадбиркорлик қобилиятини ўзлаштириш - мамлакатда КБХТ субъектларининг ривожланиш сифатини белгиловчи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган КБХТ субъектлари сони, худудларда ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони ва КБХТнинг ижтимоий самарадорлиги яъни, умумий банд аҳоли таркибида тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг улуши билан тавсифланади;

иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти мамлакатда яратилган ЯИМ (ЯХМ) таркибида кичик бизнеснинг улуши, ҳар бир КБХТда банд ишчига тўғри келадиган айланмаси ҳажми, мамлакат (худуд) экспорт имкониятидаги улуши, тармоқлардаги (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш) ҳиссаси ва ҳар бир КБХТ субъектларига тўғри келадиган солик тўловлари ҳажми ва кўлами билан аниқланади;

учинчидан, тадбиркорлик фаоллиги кўрсаткичидан, ҳар бир КБХТ субъектларига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, КБХТ субъектларининг туғилиш коэффиценти, корхона олган даромади таркибида доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг салмоғи ва натижадаги иқтисодий нафлик билан ифодаланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича Ўзбекистон айни пайтда жаҳонда 42-ўринни эгаллаб турибди. Соҳани қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим жиҳатлари иқтисодиётда инвестиция, солик, кредит ва экспортга қаратилган, айни пайтда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган давлат сиёсати билан узвий боғлиқдир [5].

Фикримизча, таҳлил этилган ҳолатлар натижаси тадбиркорликни ташқи бозор тартибига ўрганиш кўникмасини эгаллаш, корхонанинг ички муҳитини тартибга соладиган фискал ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, мавжуд давлат институционал тизимининг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмини яратиш асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини тақомиллаштиришга эҳтиёж мавжудлигини англатади ва бундай қўллаб-қувватлаш натижасида мамлакатда ўрта бизнесни ривожлантириш имконияти яратилади [8].

Ўзбекистонда КБХТни ривожлантириш ва унинг фаолиятини таҳлил этиш қуйидаги устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади:

биринчидан, КБХТ субъектларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўлочиб бериш мақсадида мавжуд норматив-хуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта қўриб чиқиш;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солик ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш;

учинчидан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредит бериш тизимини янада тақомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари учун хорижий инвестиция ва грантлардан фойдаланиш имконини бериш;

тўртингчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтаقا ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтиришмуаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратиш, бунинг учун уларга субсидия ва компенсациялар бериш;

бешинчидан, саноат соҳасида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, муҳтасар айтганда, илғор илм-фан ютукларига асосланган кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik o'zbekiston davlatini birlashtirishda barpo etamiz. T.: "O'zbekiston", 2017. 28 b. O'zbekiston", 2017. 28 b.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил//www.lex.uz.
3. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.Т.: "Академия", 2012. – 431 б.
4. Вахобов.А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар.Т.: Шарқ, 2003.-284 б.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Т.: "Маънавият", 2016. – 98 б.
6. Сирополис Н. Управление малым бизнесам. М.: Дело,1997.-С.672; Лапуста М.Г. Малое предпринимательство.-М.: Инфра-М,2008.-С.68.
7. Ҳодиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.-Т.: ТДИУ, 2010.-26 7/Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси.-Т.Меҳнат, 2007.-Б.136.
8. Murodova N.K. Small scale business potential factor analysis and forecast of an increase in Uzbekistan // SAARJ Jurnal on Banking & Insurance Research – Indiya, 2016 aprel, vol 5, issue 3. - P. 22-32. (08.00.00; № 9.Global impact factor.2,38).
9. Улашев И.О., Бақоев Ҳ. Саноатлашган худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновациявий ривожланиши. Навоий.: "Алишер Навоий", 2013. - 152 б.
10. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Тошкент.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2020, -160 б.
11. [http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2017sdn\\_I\\_506.pdf](http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2017sdn_I_506.pdf)
12. <http://www.economu.gov.by>.